O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 13 сентябрь ШАНБА

№ 73 (12.084)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## Ўзбекистон-Озарбойжон:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Боку, 11 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 сентябрь куни расмий ташриф билан Озарбойжон Республикасига келди.**

"Загульба" қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Илҳом Алиевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Ислом Каримов халқларимизнинг азалий дўстлиги, урф-одатлари ва маданияти яқинлиги, қадриятлари умумий эканлиги, тили ва дини бирлиги ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имкониятлар яратишини таъкидлади. Ушбу ташриф асносида Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қиладиган ўзаро манфаатли кўплаб келишувларга эришилишига ишонч билдирди.

Илҳом Алиев Ўзбекистон раҳбарини Бокуда қутлашдан мамнуният билдириб, бугунги музокаралар 2004 йилда Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувнинг мантиқий давоми эканини, Озарбойжон томони ушбу ташрифга муҳим аҳамият беришини таъкидлади.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, томонларни қизиқтирган қатор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Муҳокама этилган масалалар юзасидан томонларнинг нуқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг мақсад ва интилишлари муштарак, сиёсий масалаларда эса мамлакатларимиз кўп жиҳатдан ҳамфикр ва ҳамкордир.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. Халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби иллатларга қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Озарбойжон Президентлари иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараси бўлиб ўтди. Унда савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар соҳаларда Ўзбекистон-Озарбойжон ҳамкорлигига доир қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокараларда таъкидланганидек, иқтисодий ҳамкорлик кўрсаткичларини икки мамлакатнинг имконият ва салоҳияти даражасида, деб бўлмайди. 2007 йил якунларига кўра, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 60,4 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонда озарбойжонлик шериклар билан тузилган 21 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ва Озарбойжон ишбилармон доираларининг бевосита алоқаларини ривожлантириш, сармоявий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали савдо-иқтисодий алоқалар кўламини бундан бир неча ҳисса орттириш мумкин. Бунда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг фаоллигини ошириш, икки мамлакатда бизнес-форумлар, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг иқтисодий салоҳиятига доир тақдимотлар, кўргазма ва бошқа тадбирлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ишга солинмаётган ва янги имкониятларни топиш, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш мумкин. Иқтисодий форумлар эса янги шартномалар тузиш баробарида бизнес доиралари учун икки мамлакатнинг имкониятлари ҳақида янги маълумотлар беришга хизмат қилади.

Айни пайтда банк-молия секторидаги алоқаларни фаоллаштириш, икки мамлакатнинг экспортбоп товар ва хизматлари рўйхатини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу ишбилармонлар мулоқотини ривожлантиришнинг яна бир муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Озарбойжонга машина ва ускуналар, озиқ-овқат, кимё саноати маҳсулотлари, рангли ва қора металлар, энергия манбалари ва хизматлар экспорт қилади.

(Давоми 2-бетда).

2008 йил – Ёшлар йили



## «Келажак овози»:

# ИҚТИДОРЛИЛАР ЭЪТИРОФИ

Қумовулдаги вилоят "Маънавият ва маърифат" марказида "Келажак овози – 2008" республика кўрик-танловининг вилоят саралаш босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида танлов етти йўналишда ўтказилиб, ғолибларга қатор қулайлик ва имкониятлар туҳфа этмоқда. Жумладан, 2007 йилдан бошлаб улар мамлакатимиз олий ўқув юртларига ижодий имтиҳон ҳамда тест синовларисиз давлат гранти асосида кириш имконига эга бўлишди. Энг асосийси, иштирокчилар ўз ғоя ва мақсадларини, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, уларни изчиллик билан амалга оширишда моддий ва маънавий рағбат олишаяпти.

Ҳакамлар ҳайъати танловнинг вилоят босқичида 1532 иштирокчидан 41 нафарини ғолиб деб топди. Якуний натижалар бадиий-ижодкорлик, рационализаторлик таклифлари ҳамда техник лойиҳалар, амалий санъат каби йўналишларда ёшлар фаоллиги ортаётганлигини кўрсатди. Шунингдек, янги қўшилган спорт йўналиши ҳам кўплаб маҳорат эгаларини кашф этмоқда. Вилоят босқичида Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Қибрай, Тошкент, Оққўрғон, Бўстонлиқ туманлари вакиллари ҳар жиҳатдан фаолликларини намоён этишди.



– Бу танлов келгусида янги ижод намуналарини яратишимга туртки бўлади, – дейди Тошкент тумани вакили Омон Исоқжонов. – Иқтидоримни тасвирий санъат йўналишида синаб кўриб, йигирмага яқин ишларимни тақдим этдим. Келгусида рассомчилик ва дизайн соҳасида ижодий лойиҳаларимни амалга ошириб, миллий санъатимизни янада бойитиш истагидаман.



Тақдирлаш маросимида ғолибларга диплом, эсдалик совғалари ҳамда танловнинг республика босқичига йўлланма берилди.

Тақдимот маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев иштирок этди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** "Келажак овози – 2008" танлови вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**ҚИБРАЙ туманидаги Туроб Нормуҳамедов номли агрофирмада мева-сабзавотларни қайта ишловчи "Fruits SEASON" корхонаси ишга туширилди.**

# ҚИБРАЙДА ЯНА БИР КОРХОНА

Хитой технологик линиялари билан жиҳозланган корхона бир мавсумда 900 тонна мева-сабзавотни қуритиб, қадоқлаш қувватига эга. Мутахассислар мева-чевалар юқори босимли вакуумда қуритилганида таркибидаги дармондорилар тўлалигича сақланиб қолишини таъкидлашмоқда.

"Асакабанк" вилоят бўлимининг кредити асосида ташкил этилган корхонада 15 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминландилар.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

# АНЖУМАН ОЛДИДАН

**Шу йилнинг 25 сентябрь куни Нью-Йоркда БМТ томонидан Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш махсус тадбири ўтказилади. Унда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатлари, йирик компания, жамғарма ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотлари раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.**

Унда қашшоқлик, озиқ-овқат, иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш юзасидан коалицияни кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига доир янги глобал маърузасига бағишланди.

Нотиқлар иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар, мактаб таълими, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ичимлик суви, ривожланиб бораётган давлатларда аҳолини иш билан таъминлаш каби муҳим масалаларга эътибор қаратдилар.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.**

Мулоқот

# ОЛИМПИАДАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

**ЎЗБЕКИСТОН ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари ғолиб ва совриндорлари билан ёшларнинг учрашуви бўлиб ўтди.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси ўринбосари О. Жамолиддинова мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ёшларни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ўз салоҳиятини намоён этишида яқиндан кўмаклашиш борасида қаратилаётган улкан эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги хайрли ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда ёшларни спортга жалб этишнинг мукаммал тизими шаклланган. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари келажак эгаларининг оммавий спортга бўлган интилишини кучайтириш ва спортнинг барча йўналишларини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Бу йўналишдаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилаётган ана шундай кенг кўламли ишлар туфайли мамлакатимизда спорт тобора ривожланмоқда. Спортчиларимиз миллий ва халқаро мусобақаларда салмоқли натижаларга эришиб, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиадада ҳам ҳамюртларимиз битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медални қўлга киритдилар. Бундай ютуқлар мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтириш билан бир қаторда улғайиб келаётган авлоднинг порлоқ келажагимизга бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш, ёшларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаоллигини ошириш ва спорт соҳасида янги-янги маҳоратли ёшлар етишиб чиқишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда XXIX ёзги Олимпиада ғолиб ва совриндорлари, уларнинг устоз-мураббийлари ёшларга халқаро мусобақа таассуротлари ҳақида сўзлаб бердилар.

**Б. ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

Амнистия

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ – АМАЛДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланмоқда. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.**

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда эълон қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим омил бўлди. Мазкур фармон асосида ишлаб чиқилган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун 2008 йил 1 январдан кучга кирди.

Юртбошимиз ташаббуси билан шу йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши ҳам инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир намунаси бўлди.

Амнистия татбиқ этилиши кутилаётган шахслар суднинг ажрими билан жазодан ёки жавобгарликдан озод қилинади. Бу фуқароларнинг озодликка бўлган ҳуқуқи судлар томонидан адолатли ҳал этилишига очилган яна бир йўлдир. Муҳими, инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизми янада мустаҳкамланади.

– Илгари суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки жазони ижро этиш муассасалари раҳбарлари прокурорнинг розилиги билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг ижросини таъминлаган бўлса, эндиликда прокурорнинг илтимосномасига кўра судлар томонидан амалга оширилади, – дейди Олий суд судьяси М. Ҳасанов.

Амнистияни қўллашда янгича тартибнинг жорий этилгани бу жараёнда ошкораликни таъминлайди. Зеро, қарорда бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштироки назарда тутилган.

Қайд этиш жоизки, мазкур қарорда билиб-билмай жиноятга қўл урган, аммо кейинчалик қилмишидан астойдил пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига киришни ният қилган шахсларни озод этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, биринчи марта жиноят содир этиб судланган хотин-қизлар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшга тўлган эркаклар ва чет эл фуқаролари жазодан озод этилиши халқимизга хос бағрикенгликнинг юксак намунасидир.

Қарор ижросини ўз вақтида изчил ва самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қарорни тўғри қўллаш юзасидан судларга зарур топшириқлар берилган.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

Тадбирлар

**ТАДБИРКОРЛАР ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши Оҳангарон тумани "Тадбиркор аёл" уюшмаси билан ҳамкорликда ўқув-машғулот ўтказди.**

# ИШ БОШИДАГИ АЁЛ

"Фермер аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш" мавзуидаги тадбирда партия фаоллари, депутатлар, Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари, мутахассис ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Семинарда фермер аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига оид таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнгида тумандаги бир қатор фаол фермер аёлларга партия вилоят кенгаши ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят филиали томонидан фахрий ёрлиқ, эсдалик совғалари топширилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

# КЕКСАЛАР ҲАМИША ФАОЛ

«Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Рамазон ойи муносабати билан амалга оширилаётган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва ижтимоий ҳимоя чора-тадбирлари ҳамда жамоатчилик марказларидаги фахрийлар фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш тегишли қарорлар қабул қилди.

Йиғилишда «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг раиси Эркин Боқибоев қатнашди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

